



ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3/2021



SAHIFALARIDA

саҳифаларида

ИБРАТНОМА

Қалдиргочлар қайтгандан кейин.....46

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Хайриддин СУЛТОН. "Машраб киму юмуши надир...".....52

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Николай ЛЕСКОВ. Аломат санъаткор. Қабр бошидаги ҳикоя.....62

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Хуршид ДАВРОН. Сукунатни бузган сас...82

СЎЗНИ СУЙГАН СУЛТОНЛАР

Зебо ҚОБИЛОВА. Олтин бешикда улғайган сиймо.....90



МОҲИАТ ЖИЛОЛАРИ

Низомиддин МАҲМУДОВ. Бемисл тилсим...98

Николай ЛЕСКОВ



1900

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Усмон АЗИМ. Қайдасан, Адабиёт?.....104

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Эътибор СУЛТОНОВА, Фозил СУЛТОНОВ. Гоявий таҳдид: адоқсиз курашлар.....114
 Гулзода РАҲМОНОВА. Ҳуқуқ ахлоқни инкор этса...115
 Толибжон НИЗОМОВ. Таълим ва тамаддун.....117
 Гулдона ТАНИЕВА. Император кема совға қилган бухоролик элчи.....118
 Насрулло ЭРГАШОВ. Дорға салом берганлар.....120
 Элбек ЖУМАНОВ. Эртаққа жо ҳикматлар...121
 Гулрухбегим РАВШАНОВА. Кулги замиридаги фожиа.....122
 Дилфуза РЎЗИЕВА. Мўъжизакор мажоз....123
 Шомаҳмуд ШОРАҲМЕТОВ. Асрларга ҳамроз, ҳамнафас.....125
 Орифжон МИРЗАЕВ. Дўстлик кўприги.....125
 Журналнинг анализча мухтасар мазмуни.....127

Asrlarga hamroz, hamnafas

Миллий мусикий меросимиз, жумладан, чолгу ижрочилиги тарихи олис даврларга бориб тақалади. Узоқ асрлардан буён миллий кўшиқларга дутор, танбур, дойра, уд, гижоқ, қонун, рубоб каби созлар ҳамрозу ҳамнафас бўлиб келган. Булар орасида қашқар рубоби, айниқса, алоҳида ўрин тутади. У ўзининг жаранги, ноласи, ранг-баранг ижро усулларига имкон бериши билан халқимиз орасида оммалашган ва сеvimли созга айланган. Рубоб қардош Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонда ҳам кенг тарқалган. Ушбу чолгу орқали наинки миллий мумтоз куйлар, чет эл бастакорлари битган мураккаб асарларни ҳам ижро этиш мумкин. Қашқар рубобининг Ўзбекистонда оммалашиб кетишида машҳур созанда ва бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг (1913 – 1999) хизмати бекимсдир.

М.Мирзаев 1936 йили Тўхтасин Жапилов раҳбарлигидаги Ўзбек филармонияси қошида ташкил топган Ўзбек халқ чолгулари ансамблига ишга қабул қилинди. Мазкур ансамбль унинг учун катта ижрочилик мактаби бўлди. М.Мирзаев бу ерда Юсуф Охундан қашқар рубобини чапишни ўрганади. Еш ижодкор устоз созандапар билан ёнма-ён ишлаб, мусиқа ижрочилиги сирларига ошно бўлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида филармония қошида бир нечта фронт концерт бригадалари тuzилади. М.Мирзаев ҳам жангчиларга концерт берадиган жамоалар таркибида жонбозлик кўрсатади.

1948 йили Тошкент давлат консерваториясида Ўзбек халқ чолгулари кафедраси ташкил этилади. М.Мирзаев биринчилардан ўқишга киради. 1953 йили консерваторияни битириб, умрининг охиригача филармония ҳузуридаги Мусиқа бўлимида рубобчи-яхханавоз бўлиб хизмат қилади.

М.Мирзаев кўп йиллар давомида М.Турғунбоева номидаги "Баҳор" рақс ансамбли, Ўзбек давлат филармониясининг "Шодлик", "Лазги" ашула ва рақс ансамбллари ижро дастурини бойитиб келди. Уч юздан ортиқ мусикий асарлар яратди. Рубоб учун басталаган "Баҳор вальси", "Янги тановар", "Завҳим келур", "Интизор этма", "Гулрух", "Дил куй-

ласин" каби ўнлаб куйлар рубоб ижрочилигининг ривожланиши, ижро маданиятининг юксалиши, мазкур чолгунинг янги имкониятлари очилишига хизмат қилди. Созанда уйғур рубобига қараганда такомиллашган замонавий рубобнинг яратилишида ҳам иштирок этди. Моҳир санъаткорнинг рубобда ўз фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаев билан биргаликда ижро этган куйлари ҳам бетакрор жозибага эга.

М.Мирзаев атоқли хофизлар билан самарали ҳамкорлик қилди. Хусусан, Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов билан ҳамнафасликда яратилган асарлар ҳозир ҳам хонандалик амалиётида алоҳида ўринга эга. Устоз санъаткорларнинг дастурларига назар солсак, М.Мирзаев билан ҳамкорлик қилмаган ижодкор кам бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. У Шариф Султонов, Дилором Қасимова, Мавлуда Ойнакулова, Санобар Раҳмонова, Муножот Йўлчиева кабиларнинг санъаткор сифатида шаклланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳам созанда, ҳам бастакор сифатида мактаб яратган М.Мирзаев ҳаётни, соғли-муҳаббатни, вафо ва садоқатни, мардлик ва жасоратни куйлади. Бетакрор куй ва ашулалари билан эл-юрт эҳтиромини қозонди. Эргаш Шўхруллаев, Аббос Баҳромов, Сулаймон Таҳалов, Ари Бобохонов, Адҳам Худойкулов, Қобилжон Усмонов, Тохир Ражабий каби ўнлаб навозандапаримиз айнан М.Мирзаев оммалаштирган рубобда куйлар ижро этиб, моҳир созанда бўлиб шаклландилар. Сирасини айтганда, юртимиздаги барча рубоб ижрочилари буюк санъаткор Муҳаммаджон Мирзаевни устоз деб биладилар. Миллий мусиқа маданиятимиз ривожига улкан хизматлари учун у Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвони билан тақдирланди. Санъаткор яратган асарлар миллий мусиқа санъатининг дурдоналари бўлиб қолади.

Шомаҳмуд ШОРАҲМЕТОВ,

Юнус Ражабий номидаги
Ўзбек миллий мусиқа санъати
институтини доценти

Do'stlik ko'prigi

Замонавий фан тараққиётида тажриба алмашиш, мутахассислар аро ҳамкорлик алоҳида ўринга эга. Бу методологик ёндашувдан санъат ва рассомлик соҳаларида ҳам фойдаланилади.

Хўш, сўнгги йилларда юртимиз тасвирий санъат соҳасида хорижий ижодкорлар билан ижодий ҳамкорлик ва тажриба алмашинувлар қандай кечмоқда?

2016 йил октябрь ойида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Янги ўтмиш: Буюк Британия замонавий санъати" номли бадий кўргазма уюштирилди. Унда британ санъатининг сўнгги йигирма йилдаги миқёси ва салоҳиятини белгилаб берувчи, Британия кенгаши коллекциясига кирган йигирмага яқин рассомнинг ижодий ишлари тақдим этилган.

"Ёш британ рассомлари" ижодий жамоасига ўз даврида Дэмиэн Хёрст, Жейк ва Динос Чепменлар, Гевин Тёрк, Гэри Хьюм, Сара Лукас сингари машҳур рассомлар аъзо бўлган. Кўргазма доирасида дунё санъатида юқори нуфузга эга бўлган Уильям Тёрнер мукофоти совриндорлари ва номзодларининг ҳам ишлари тақдим этилди. Улар орасида Рэйчел Уайтред, Мартин Крид, Мартин Бойс, Корнелия Паркер, Жорж Шоу кабилар бор. Шунингдек, юртимиз санъат ихлосмандлари Британияда танилиб қолган Хейли Топкинс, Маркус Коутс, Саймон Линг, Тоби Заглер сингари рассомларнинг янгича образларга бой, визуал ва концептуал жиҳатдан чуқур таассурот қолдирувчи ишлари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Ушбу кўргазма юртимиз рассомлари ижодида сезиларли из қолдирди (Умерова Г. Янги ўтмиш. "Санъат" журналы, 2017 йил, 1-сон).

Турли услуб ва ёндашувларга мансублигига қарамай, кўргазмага қўйилган ишлар ҳам шакл, ҳам мавзу жиҳатидан умумий аъналарга эга эди. Масалан, Мартин Крид, Боб ва Роберт Смитлар, Сара Лукас сингари рассомлар ўз асарларини яратишда кўпинча тайёр объект ва материалларга (ready made) мурожаат қилиб, уларнинг вазифаларини қайта мушоҳада этишади. Гевин Тёрк, Жейк ва Динос Чепменларнинг ишлари одатий услуб ва моделлардан фарқ қилса, Дэмиэн Хёрст асарларида шахсий ва ижтимоий олам ўртасига чегара қўйилмайди.

2019 йил 27 октябрда Ўзбекистон Бадий академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида япон рассоми Миро Итонинг "Нара – қалб манзили" номли шахсий кўргазмаси очилди. Бу кўргазма ҳам халқаро ҳамкорликлар ривожидан далолат бўлди. Миро Ито – нафақат рассом, балки ёзувчи, сураткаш, режиссёр ва "Media Art League" ташкилоти асосчисидир. Кўргазма номи Япониянинг қадимги тарихи билан боглиқ. Нара – Япониянинг қадимги пойтахти бўлган, аммо тарихий ҳодисалар туфайли бошкент мақомидан айрилиб, фақат маданият марказларидан бирига айланган. Кўргазмада тарихнинг боқий қадриятла-

ри қадимги Шарқ фалсафаси ва будда таълимоти асосида акс эттирилган.

Халқаро ҳамкорлик нафақат тасвирий санъат соҳасида, балки санъатнинг бошқа турлари, жумладан, амалий санъат турида ҳам йўлга қўйилган. Масалан, 2019 йил 11 – 15 ноябрь кунлари Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Тошкент халқаро амалий санъат биеннапеси ўтказилди. Биеннапенинг "Инсон. Мухит. Санъат. 2019" деб номланиши ҳам рамзий бўлиб, амалий санъатнинг ҳозирги давр ва инсон шахсиятида тутган ўрнига ишора қилади. Ушбу маданий тадбирда 20 дан ортиқ мамлакатдан келган 80 дан зиёд хорижлик уста-хунарманд ва рассом иштирок этди; биеннале доирасида "Шаҳар муҳитидаги санъат" деб номланган халқаро конференция ташкил этилди (Акбар Ҳакимов. Вақт замиридаги санъат. "Санъат" журналы, 2017 йил, 1-сон). Бундан ташқари, кўпплаб кўргазмалар ва хорижлик уста-хунармандларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди. Хусусан, япониялик рассом-дизайнер Ёшико Сайтонинг бадий сирлаш мавзусидаги сабоқлари санъат аҳлида катта таассурот қолдирди.

Тошкентда ҳар йили апрель ойининг учинчи ҳафтасида Бадий академия томонидан "Тасвирий ва амалий санъат" ҳафталиги ўтказилади. 2018 йилда шу ҳафталик доирасида уюштирилган халқаро фестивалда 20 дан ортиқ мамлакатдан келган ижодкорлар қатнашди. Масалан, марказий кўргазмалар зали биноси олдида туркиялик рассом Ўрхон Жабронўгли перформанс ташкил қилди. Мусиқа садоси остида янгича услубда ижод қиладиган рассомнинг иши ўзига хос маҳорат дарси бўлди.

Бадий академия томонидан ташкил этилган "Замонавий санъат" биеннапесида (2019 йил март) нафақат Марказий Осиё, балки бир қатор европалик рассомларнинг ижодий ишлари ва чиқишлари ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унда россиялик Дмитрий Булатовнинг замонавий санъат соҳаси бўйича қилган маърузаси муҳим аҳамиятга эга бўлди; хусусан, у замонавий санъат энди бир шахс томонидан эмас, балки жамоа бўлиб яратилишига ургу берди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сўнгги йилларда жадал ривожланаётган халқаро маданий алоқалар рассомларимиз учун ижобий тажриба вазифасини ўтамоқда.



Орифжон МИРЗАЕВ,
мустақил тадқиқотчи